



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 19 август, шанба №120 (952)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

Энг улуг ва энг азиз байрам - мамлакат мустақиллигининг 9 йиллиги арафасида Нукус шаҳрида 35 оила ховли тўйларини ўтказди. Шаҳар марказида 5 қаватли барча қулайликларга эга бино Ўзбекистон давлат ҳиссасдорлик «Ўйжойамгармабанк» Қорақалпоғистон бўлими томонидан чиқазилган заёмлар ҳисобидан қурилди.

Шунингдек, ҳозир шаҳарда йирик автовокзал ҳам фойдаланишга тайёр турибди. Ўзига хос меъморлик лойиҳаси асосида бунёд этилган ишоотда энг сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Қашқадарёда байрамолди ҳашари ўтказилди. Ҳашар кунини воҳада катта ободончилик ишлари амалга оширилди ва 91 миллион 870 минг сўмлик иш бажарилди. Умумалқ ҳашарида 289 мингга яқин киши иштирок этди. 12 миллион 800 минг сўм байрам шанбалиги жамғармасига ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ХОДИМЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИГА

Азиз дўстлар! Аввало, барчангизни касб байрамингиз - Ҳаво флоти кунини билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Мустақиллик йилларида сиз меҳнат қилаётган соҳада амалга оширилган туб ўзгаришлар давлатимизнинг куч-қудрати ва халқаро миқёсда нуфузи ошишига хизмат этаётгани билан эътиборга сазовордир.

Ўтган йиллар мобайнида сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз туфайли турли қитъалар билан ҳаво алоқалари йўлга қўйилгани, олис-олис мамлакатлар билан ҳамкорлик имкониятлари кенгайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Бугунги кунда давлатимиз рамзлари туширилган замонавий ҳаво кемалари жаҳон бўйлаб парвоз қилар экан, бу барча юртдошларимиз қалбига ғурур-ифтихор бахш этади.

Мамлакатимиздаги бир қатор аэропортлар дунё андозалари асосида таъмирланиб, энг замонавий самолётлар билан таъминланаётгани, малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар соҳани янада ривожлантиришга давлатимиз катта эътибор ва аҳамият кўрсатаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон ҳаво флоти эришаётган бугунги ютуқларда сиз, ўз касбининг фидойилари бўлган учувчилар, штурманлар, техник ва муҳандислар, бошқарув ва парвозлар сифатини таъминловчи хизматчиларнинг, соҳа барча ходимларининг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Сизлар билим ва тажрибангиз, жасорат ва матонатингиз билан мамлакатимиз қудратини, халқимизнинг эзгу фазилатларини бутун дунёга намойён этмоқдасиз.

Мана шу шарафли ва масъулиятли ишингизда барчангизга омад ёр бўлишини тилайман. Доимо соғ-омон бўлинг, парвозларингиз ҳамиса бехатар бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Халқаро Кураш Ассоциацияси фахрий Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти жаноб Ислом Каримовга

Хурматли жаноб Президент!

Сизга ўзбек миллий спорт тури - курашнинг халқаро майдонда нуфузи ортиб боришига қўшаётган тенгсиз ҳиссангиз учун миннатдорлигимизни билдиришга ихозат бергайсиз. Сиз бошқараётган ташкилот - Халқаро Кураш Ассоциацияси ҳозир дунё бўйлаб ўзининг кўплаб янги аъзоларига эга бўлиб бормоқда ва, биз аминимизки, Венгрия мазкур курашни оммалаштириш ҳаракатининг фаолларидан бири бўлади.

Ушбу мактубни йўллашдан асосий мақсад, айни пайтда Ўзбекистоннинг жанубий чегараларига қўшни давлат орқали кириб келган бир гуруҳ халқаро террорчиларга қарши олиб борилаётган курашда Сизни ва халқингизни кўллаб-қувватлашимизни билдиришдир.

Биз бундай ёвуз характерни лаънатлаймиз, янги мингйиллик арафасида инсониятнинг ашаддий душмани бўлган халқаро терроризмнинг ҳар қандай кўринишини қоралаймиз.

Ишончимиз комилки, Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда дунёдаги энг тинч ва барқарор ривожланаётган давлатлардан бири бўлиб қолаверди. Биз халқингизни терроризм хужузини бар-тароф этиб, бу вазиятдан тезроқ чиқиб кетишига тилақдоримиз.

Биз ўзбек курашининг обрўсини янада оширишда Сизнинг ёрдамингизга таянишимизни алоҳида таъкидлашни истар эдик.

Хурмат билан,
Венгрия Дзюдо-Кураш Ассоциацияси раҳбарияти.

Халқаро Кураш Ассоциацияси фахрий Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жанобларига

Мухтарам Ислом Каримов жаноблари, Мамлакатингизнинг террорчилик хужузи билан тўқнаш келганини эшитиш мен учун қутилмаган ва кўнгилсиз воқеа бўлди.

Ўтган йили Кураш бўйича биринчи чемпионат даврида аjoyиб юртингизга илк бор таширф буориш бахтига муяссар бўлиб, Сизнинг мусобақанинг очилиш маросимида сўзлаган нутқингиздан тинчлик ва демократияни қадрлайдиган, кўшилари билан ҳам, бутун дунё билан ҳам дўстона муносабатлар ўрнатиш тарафдори бўлган халқингиз хоҳиш-иродасини ифода этаётганингизни англаган эдим.

Ишончманки, террорчи кучлар томонидан кўллаб-қувватланаётган бир гуруҳ босқинчилар Ўзбекистон ҳукумати учун ҳеч қандай жиддий қийинчилик туғдирмайди ва у босқинчиларни келган томонига суриб чиқариш ёки йўқ қилишга қодир.

Биз, Бразилия фуқаролари Сиздек доно, Президент сифатида катта тажриба ва билимга

эга инсон бундай кўнгилсиз вазиятни бартараф этишининг тўғри йўлини топа олишингизга ишонамиз.

Жаноби Президент, Тошкентда Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатини очиб чоғида айтганингиздек: «Ўзбек курашида халқимизнинг руҳиятига; асл хислатларига азал-азалдан хос бўлган фазилатлар: мардлик, жасурлик, баркинглик, рақибига нисбатан олижаноблик, ҳалоллик, инсонпарварлик фалсафаси мужассамлашган». Минглаб йиллик тарихга эга бўлган Ўзбекистон ўзининг тинчлик-севарлиги ва мураккаб вазиятларни бартараф этишга қодир эканлигини намойиш этиши зарур. Бизнинг фикримизча, душман уйга бостириб кирганда, унга нисбатан ҳеч қандай раҳм-шафқат бўлмаслиги лозим.

Биз, бразилиялик кураш вакиллари ва спортчилари Сизга ўзимизнинг эзгу тилақларимизни изхор этаймиз.

Жоао Шиффер, Бразилия.

Августнинг дастлабки кунларида Германиянинг Кёльн шаҳрида халқаро савдо ярмаркаси бўлди. Унда Қашқадарёдаги «Санам», «Садо», «Каштекс» ҳиссасдорлик жамиятларининг маҳсулотлари ҳам намойиш этилди. Айниқса, қаш-

КЕЛЬНДА ЯРМАРКА

қадарелик чеварлар тиккан спорт костюмлари ва эркалар қўйлаклари, трикотаж кийимлар европалар харидорларнинг эътиборини тортди. Чет эллик тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олинди.

ВАТАНФУРУШ ВА КАЛЛАКЕСАРЛАРГА ЎЛИМ!

Неча кунки тинчимиз бузилган, муштлар қисилган, асаблар таранг. Боиси Худо қаргаган ватанфуруш, каллакесарларнинг шум қадами муқаддас она туپроғимизни булгади. Бутун Ўзбекистон оёққа қалқди. Мард зобити аскарларимиз манфур душманга кўксини қалқон қилди, ёвнинг боши янчилди.

Аммо ҳали ҳаётда ҳеч нарса кўрмаган, фариштадек пок, қалби эзгу ниятлар билан тўлган бир қанча азамат йигитларимиз жон фидо қилдилар. Оналар фарёди, оталар охи, жигару дўст-ёрларнинг аччиқ кўз ёшларидан қалблар ларзага келди.

Хўш, бу бедодликларга, бу алам-ситамлارга, айрилиқларга кимлар сабабчи? Улар-

нинг башараси маълум: ватанфуруш, шум қадам, бўридай ваҳший, бор нияти ёвузлик, кўпоровчилик бўлган, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қабиҳликларга қўл ураётган Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний ва уларнинг ювиндих-ўрларидир.

Эй вох, уларни ким, қайси бахти қаро тўққан, тарбиялаган? Бундай ярамас, қонхўр, инсон қиёфасидаги махлуқларга, не-не беғуноҳ умри азизларни зор қашқатган, гўдакларни бўзлатган каллакесарларга ўлим!

Бизнинг мард, кўрқмас, до-вюррак, шербилак фарзандларимиз Ватан мустақиллиги, эл осойишталиги йўлида шавҳид кетдилар. Улар миннатдор авлодлар хотирасида

мангу барҳаёт. Муборак номлари мардлик, қаҳрамонлик рамзи бўлиб қолади. Аммо иблис қиёфасидаги Тоҳир Йўлдош, Жума Намангонийларнинг мурдалари итларга, қузғунларга ем бўлғай. Зеро, бу халқ тавқи-лаънатига учраган ёвузлар қисмати дидир.

Шоназар ҲАҚНАЗАРОВ,
Шахрисабз туманидаги «Оқдарё» жамоа хўжалигида истиколат қилувчи меҳнат фахрийси,
Ҳамида ХУШБАҚТОВА,
«Кеш» жамоа хўжалиги касаса уюшма кўмитаси раиси,
Соҳиб ШОКИРОВ,
П.Шербобоев номли жамоа хўжалиги аъзоси,
Исмоил ДАВРОНОВ,
Қишлоқ хўжалиги коллежи талабаси.

Таъзим ДЎСТИМ НОМИ - МАРДЛИК ТИМСОЛИ!

Одатда иродали, жисмонан бақувват кишилар камсуқум бўлишади. Дўстим Улугбек Барноев спорт билан мунтазам шуғулланиб, «ботир йигит» номини олганди. Унинг қомастига, чапдастлигига ҳаммаимиз қойил қолардик. У ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, уйдая-гиларнинг оқ фотиҳасини олиб, ўз жойида қолди.

Бир кун таътил пайтида келганида дўстимни таниёмай қолдим. Ҳарбий кийим жуда ярашган, куч-қувватга айни тўлган пайти эди. Дилдан сўхбатлашдик, сирлашдик. Аста қўйинга кўл солдим. Шунда Улугбек ийманибгина «уйланмасам бўлмайдиган кўринида, бувим шоширяптилар» деб қолди. Келин ҳам тайёр эди. Онаизори Сабоҳат опа ҳаракатга тушди. Келаси келишига тўй бошлайдиган бўлдик. Бироқ орзу ушалмай қолди. Қадрдон дўстим Ватанимиз сарҳадларига бостириб кирган халқаро террорчиларга қарши курашда матонат кўрсатиб, ҳалок бўлди. Айрилиқ барча дўстларнинг қалбини эзди. Бироқ 22 ёшли Улугбек қисқа ҳаёт кечирса-да, она Ватанга, фидокор халқимизга садоқат билан хизмат қилиш қандай бўлишигини амалда кўрсатиб кетди. Мард аскар ўрини лозим бўлса бизлар эгаллаймиз. Она юрт учун, мустақиллиги учун ҳар ишга қодиримиз!

Шухрат ХАМРОЕВ,
Каттакўрғон шаҳри, Оқолтин маҳалласи.

Пахтабод туманидаги «Намуна» ширкат хўжалигида пахта йиғим-терими тобора қизгин тус олмақда. Мавжуд 13 та бригадада суръат ва сифатга эришилмоқда. Айниқса Хукумжон Тожибоев бошлиқ жамоа аъзолари меҳнат беллашувида намуна бўлишмоқда. Пахтазор юлдузи Мавжуд Ражабова (суратда) кунига 120-150 килограммга етказиб, жавоҳир йиғиштириб, ҳамкасбларига намуна бўлапти.

Ш.ОЛИМОВ
(ЎзА) олган сурат.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали меҳнати, халқ хўжалиги ва аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдаги алоҳида ютуқлари, республикада фуқаро авиациясини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ХОДИМИ»

Блинохватов Владимир Николаевич - «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаконпанияси авиацион-техник мажмуаси директори Иброҳимов Ровшан Зарипович - «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаконпанияси «Махсус авиация ишлари» авиаконпанияси директори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Эрназаров Абдусатар - Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат назорати бошлиғи муовини

компанияси «Бонинг» ҳаво кемаси учувчи-йўриқчиси Шишонков Борис Яковлевич - «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаконпанияси «Махсус авиация ишлари» авиаконпанияси учувчилар отряди раҳбари

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Зокиров Тулкин Муратович - «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаконпанияси «Ил-86» ҳаво кемаси сардори

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаконпанияси «Ил-76» ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш чеги бошлиғи

Чуканова Гузаль Харисовна - «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаконпанияси ўта муҳим парвозлар гуруҳи борт кузатувчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН»

Агеенко Игорь Иванович - «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаконпанияси «Махсус авиация ишлари» авиаконпанияси катта борт-механик-йўриқчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН»

Витвицкий Алексей Алимович - «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаконпанияси «Р-85» ҳаво кемаси сардори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН»

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаконпанияси «Ил-76» ҳаво кемаси сардори

ҲАВО ФЛОТИ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконпаниясида Ҳаво флоти кунига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Анъана бўйича август ойининг учинчи яқшанбасида нишонланадиган касб байрами билан фуқаро авиацияси ходимларини уларнинг ҳамкасблари - республикамизнинг темир йўл ва автотранспорт қорхоналари ходимлари, авиасозлар ва ҳарбий учувчилар, алоқачилар, хорижий авиаконпаниялар вакиллари қутладилар.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимлари ва мутахассисларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Исаев ўқиб эшиттирди. Табрикда қайд этилганидек, соҳада содир бўлган туб ўзгаришлар давлатимиз иқтисодий салоҳиятини кучайтиришга ва халқа-

ро нуфузини оширишга хизмат қилади. Фуқаро авиацияси кунини муносабати билан Президент Ислом Каримов Фармонида мувофиқ Ўзбекистон фуқаро авиациясининг ходимлари ва мутахассисларидан катта гуруҳи фахрий унвонлар, мамлакатимизнинг орден, медаллари ва фахрий ёрликлари билан мукофотланди.

(ЎзА).

Ўзбекистон мустақиллигининг 9 йиллигига муносиб совғалар

Самарканднинг ҳеч бир туманида Булунгурдагидек кенг имкониятлар мавжуд бўлмаса керак. Бошқасини кўя турайлик, мазкур туманда етиштирилган сархил мева, узумларни, сабзавотларни қайта ишлаб экспорт қилиш имконияти катта. Ҳозир мева-сабзавотларни қайта ишлайдиган 12 та корхона бор. Шулардан иккитаси кўшма, бештаси хусусийдир. Иқтисодий таназзулни бошдан кечирган, эндиликдаги «Булунгур шароби» Ўзбекистон-Чехия кўшма корхонаси, Самарканд-Прага кўшма корхонаси тасарруфидagi «Булунгур меваси» корхонаси ҳам олдинги йилларга нисбатан ишлаб чиқаришда сезиларли ўсишга эришди. «Томиптернейшнл», «Бешарик», «Шабда» хусусий корпорациони фаолият қўлагани кенгайтириб бормоқда. Кейинги йилларда бундай корхоналар сони тўрттага кўпайди. Шу ҳисобдан туманда саноат ишлаб чиқариши ўтган йилнинг етти ойига нисбатан 179 фоизга ўсди. Бундай ишчиларнинг даромади ошаётгани, янги иш ўринлари ташкил бўлаётганини ҳам унутмаслик керак. Демак, ислохот берган имкониятлардан фойдаланишнинг самараси яққол кўринаётди.

БУЛУНГУРЛИК ТАДБИРКОР ўз ҳисобидан дорихона, мактаб қурди

Бундан ташқари туманда тадбиркорликка катта эътибор берилаяпти. 592 та фермер хўжалиги, 300 дан зиёд кичик корхона ва фирмалар фаолият қўрсатиётди. Кишлоқ хўжалик маҳсулотининг 35 фоизини фермерлар етиштириб бормоқда. Бу курсатки санавотда 25 фоиз, маиший хизмат соҳасида эса 95 фоизни ташкил этади. Тадбиркорлар туман иқтисодиётига ҳисса қўшиш билан бирга ўзлари ҳам катта наф қўришмоқда. Масалан, ўтган йили «Сафар Ботир» фермер хўжалиги 19,6 миллион сўм, «Ботир ота» фермер хўжалиги 8,5 миллион сўм соф фойда олган. «Янги кишлоқ» фермер хўжалигида галладан, «Равотхона» фермер хўжалигида помидордан рекорд ҳосил олинди. Яна битта муҳим гап. Тадбиркор Мамаюсуф Шодмонов ўз кишлоғида шу вақтгача дўкон, дорихона, маърифат маркази, чойхона қурган эди. Айни пайтда у ўз ҳисобидан 240 ўринли янги мактаб

биноси қурилишини ниҳоясига етказмоқда. Мустақилликнинг 9 йиллиги арафасида бу бино фойдаланишга топширилади. Четга маҳсулот экспорт қилиш ҳажмлари ҳам кўпайиб бораёпти. Айтайлик, «Булунгур шароби»нинг маҳсулоти Россияга чиқарилмоқда. «Булунгур меваси» эса Польша билан шартнома тузган. Аммо бошқа корхоналар-чи? Нега уларнинг иши юришмаяпти? Маълумки, хорижий сармояларни жалб қилиш жаҳон бозорига чиқишнинг энг мақбул усулларидан бири ҳисобланади. Лекин ана шу йўлдан боришга журъат ва ҳафсала етишмаяпти. Оврўпаликлар майиз, туршак, ковуққоқи нималигини ота-боболаримиздан ўрганмаганми? Очиғини айтганда айрим банклар, тадбиркорлар палатаси ишбилармонларга амалий ёрдам беришга шошилмаяпти. Уларга сервис хизмати кўрсатиш ҳам йўқ даражада. Президентимиз таъкидлаётган имтиёزلардан тадбиркорлар тўла баҳраманд бўлолмаётгани



«АСАКАБАНК»НИНГ ЯНГИ БИНОСИ
Бухоро шаҳридаги марказий кўчалардан бирида қурилаётган «Асакабанк» филиалининг янги биноси битиш арафасида. «Бухороқурилиш» хиссадорлик жамияти бунёдкорлари иншоотда қарийб 107 миллион сўмлик иш бажаришди. Ҳозир пардозлаш ишлари тугалланмоқда. Шаҳар кўригига кўрк қўшувчи янги банк биноси истиқлол байрами арафасида дастлабки мижозларни қабул қилади.

бор гап-ку, ахир. Булунгурнинг шароби француз виносидан, арман коньягидан қолишмайди. Мева-сабзавот консервалари, шарбатлари жаҳон бозорига ҳар қандай маҳсулот билан рақобатлашиши мумкин. Фақат етарли даражада кунт қилинмаётди, майда-чуйда ташвишлар билан ўралашиб қолинмоқда. Айтинг-чи, тадбиркорга нечта янги кичик технология юзасидан таклиф тушди? Унга ишбилармон ҳамкорлар топишга ёрдам берилди-ми?
Биз бу ўринда булунгурликлар меҳнатини, ислохотларни амалга оширишдаги муваффақиятларини камситмоқчи эмасмиз. Фақат куч ва имкониятлар бирлаштирилса, янгиликлар дадил ҳаётга татбиқ этилса, ишлар янада дуруст бўларди, демоқчимиз, ҳоло.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Истиқлолимизнинг 9 йиллигини қувалиқлар ҳам салмоқли ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Жумладан, саноатни ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Бу йил ўрта ҳисобда 4,5-5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. «Куватекс» тўқимачилик мажмуининг биринчи навбатини ишга тушириш ҳаракати жадал бормоқда. Мустақиллик байрами арафасида 300 нафарга яқин ёш йигит ва қиз шу корхонада иш бошлайди.
Шунингдек, яна бир қатор янги бинолар фойдаланишга топширилади. Аҳмад ал Фарғоний хиёбонида бир вақтнинг ўзига 200 кишига хизмат кўрсатувчи шарқона чойхона-ошона, Кува тарихи музейи, «Она ва бола» реабилитация бўлими, Мингчинорда кишлоқ хўжалиги коллежи, Гулистон кишлоғида маданий марказ ва хиёбон, соғломлаштириш маскани шулар жумласидандир.
Бундан 4 йил муқаддам қандадот фабрикасининг биринчи навбати қурилиши тугалланган эди. Сўнг иккинчи навбати қурилиши учун ажратилган майдон атроф деворлари кўтарилганча қолиб кетди. Эндиликда ҳамкорлар топилди. Германиянинг қатор фирмалари билан шартномалар тузилди. Умумий қиймати 16,5 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи лойиҳалар имзо-

ланди. Асосий иншоотларни қуриш ишлари апрел ойидан бошланди. Шу кунгача 15 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди.
Лойиҳа бўйича бу бино ичига бешта линия ўрнатилади. Уларда қандадотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ушбу корхонанинг иккинчи навбати ишга туширилса, қўшимча 350-400 та ишчи ўрни яратилади. Келгусида сифати чет элликдан қолишмайдиган қанд ва ширинликлар тайёрланади.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ЁШЛАР ИЗМИДА

«Экмосан» фирмаси 1994 йилнинг сентябр ойида жамоа корхонаси сифатида 21 киши билан иш бошлаган эди. Хориждан янги линиялар келтирилган, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. 1995 йилда у хусусий фирмага айлантирилди. Эндиликда бу ерда 130 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Ҳозир новвойи хонадан ташқари печенье, колбаса, макарон цехлари ишлаб турибди. Фирма жамоаси бир кеча-кундузда 12 тонна Италия макарони ишлаб чиқарадиган янги цехни ишга туширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шунда қўшимча 75-80 нафар ёш иш билан таъминланади. Ишлаб чиқариш кўлами ҳам тобора кен-

гаймоқда. Ойига ўртача 20 миллион сўмлик маҳсулот сотилапти. Истеъмолчилар — буханка, батон нонлари, уч хилдаги «Ёшлик» печенье, макарон, колбаса маҳсулотларини тўхтовсиз етказиб бераётган фирма фаолиятдан мамнун бўлишяпти. Шунинг учун ҳам қувалиқлар нонни бошқа жойлардан кўра «Экмосан»дан харид қилишни афзал кўришади.
Маълумки, соғлом авлодни тарбиялашда спортнинг аҳамияти беқиёс. Тазакван-до федерацияси вилоят бўлими ёрдами билан шарқона якка курашнинг шу тури бўйича Акбаробод кишлоғида клуб ташкил қилинганлиги туман ёшларини қувонтирди. Айни пайтда юзлаб ўсмирлар якка кураш сирларини ўрганмоқдалар. Эндигина фаолият бошлаганига қарамай клуб спортчилари бир қанча мусобақаларда совринларни қўлга киритишди.
Масалан, яқинда Асака шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада Фарҳод Абдурахмонов, Носиржон Усмонов, Лочин Тўйчиев, Фарҳод Исмоилов, Бунёд Набиев ҳамда Шарофатхон Исмоиловлар ўз вазн тоифасида голиб бўлдилар. Истиқлол ёшларимизнинг жаҳон миқёсида довруғ тараққийларига йўл очди. Ҳамма гап ундан қанчалик унумли фойдаланишда. Қувалиқлар эса бунинг уддасидан чиқмоқдалар.

Аҳмадҷон ТўХТАСИНОВ, «Ишонч» мухбири.

КўЧИРИБ КЕЛТИРИЛГАН ТОҒЛИКЛАР ҲУЗУРИДА

Сурхондарё вилояти ҳокими Бахтиёр Олимжонов Сароисийдаги йиғилишда тоғ олди кишлоқлардан кўчириб келинган ахрлига алоҳида гамҳўрлик кўрсатилаётганлиги, одамларимиз ўртасидаги меҳр-оқибатнинг нақадар кучлилиги ҳақида тўлқинланиб гапирди. Ҳадемай халқро террорчилар бутунлай яқсон қилинишига ишончимиз ортиб, «Хисор» ўрмон хўжалиги томон ошқамиз. Бу ердаги шабга Сароисий туман ҳокими муовини Фахриддин Низомиддинов бошчилик қилмоқда.
— Хўжалик ҳудудидидаги сўлим гўшага 7 минг нафарга яқин тоғлик одамларимиз кўчириб келинди, — дейди у, — ана шундай масъулиятли дамларда кишиларимиз ўртасидаги ҳамжонроқ ҳамжиҳатлик нақадар мустаҳкам эканлиги яна бир бор тасдиқдан ўтди. Бошланасиз қолганларга ёш қари қўлидан келган барча ёрдамни кўрсатаяпти.


Чинданам шундай. Сурхондарё вилоят Қизил Ярим Ой жамияти керакли микдорда кийим-бош, турли жиҳозлар олиб келди. Матлуботчилар эса чойнак-пийёла, идиш-товоқ ва озиқ-овқат маҳсулотларидан ёрдам бердилар. Саховатли кишилар ҳам четда қолишмади. Нон комбинати, «Омад» хиссадорлик жамияти кўрсатган мадад ҳам жуда асослиди.

Жабрдидлар билан суҳбатлашамиз. Узини Султонмурод Гулмуродов деб таништирган педагог шундай дейди:

Воқеа содир бўлган жойдан репортаж

— Киштут кишлоғидаги 43-мактабда 40 йил ўқитувчилик қилдим. Баҳаво, бўлоқ сувлари қайнаб турадиган, мева-чевага сероб гўшамиз бамисоли жаннат эди. Кутилмаганда биздан тўрт-беш километр юқоридаги тепалиқда изғиб юрган шубҳали кишиларга кўзимиз тушди. Теъдда туман раҳбарларига хабар қилдик. Улар кўп ўтмай вертолётда етиб келишди. Она еримиизга душман оралаганини пайкаган, қатор кишлоқлар аҳолисини кўчириш бошланди. Ҳукумат томонидан қўрилган шовиланч чоралар оқибатида босқинчиларнинг асосий қисми ер тишлади. Ҳозирда уларнинг энг сўнгилари жон талвасасида нима қиларини билмай горларда писиб ётибди. Улар ўлимга маҳкум. Мард ўлганларимизга ишонамиз, ҳадемай манфур ёни янчиб ташлаймиз. Бу кунлар ҳам ўтар. Бирок қийин дамларда оға-инилардек қўлаган меҳридарё инсонларнинг яшиллиги бир умр ёдда қолади.
— Мактабда кутубхоначиман, — дея суҳбатга қўшилиб Абдурахмон Эшонқулов, — Куролли кўчларимиз нақадар қудратли эканлигини, аскарлар зобитларимиз доврақлигини, Ватанга садоқатини ўз кўзим билан кўрдим. Бешовлон кўнгилли бўлиб ёш болалар, қарияларни ичқари кишлоқларга кўчиришда баҳали қудрат ёрдам бердик. Ҳамжиҳатлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш туфайли Маҳкам Мардонова, Гуловза Зераева, Ризагул Авазова, Онанон Мардоновлар баҳавотвор жўяга кўчириб келтирилди. Мустақиллик байрамини ўз уйимизда нишонлаймиз, деган умиддамиз.
Туман марказига қайтарганимиз, бепеён пахтазорларда хотиржам дур йиғиштираётган теримчилар, серҳосил болалардаги неъматларни шаҳарликларга жўнатаётган миришкорларни кўриб кўнгил янада таскин топти. Ҳаёт қувончу ташвишлари билан давом этмоқда.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.
Сароисий ва Узун туманлари.



Республикамиз барча вилоятларида бўлганидек, Жиззах вилоят адлия бошқармаси ҳузурда ҳам кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш бўлими иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай бу борадаги ишлар кўлами кўзга ташланиб қолди.

Ҳукуматимизнинг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлантирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган бўлимининг тадбиркорлар ҳуқуқини химоялаш юзасидан муайян ишларни амалга оширди.
Эътиборни мисолларга қаратасак. «Галлаорол-Белогорск» кўшма корхонаси раҳбари А.Бердибеков туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари корхонанинг қуйиш цехларини ноқонуний тарзда муҳраб кетганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилди. Мутоҳассислар томонидан шикоят-ариза атрофида ўрганиб чиқилиб, қўшма корхона манфаатини қўзлаб, судга даъво аризаси киритилди. Сўнг туман ДСИ ходимлари О.Эрназаров, Б.Қўқоров, А.Холмуродовлардан 4 миллион 400 минг сўм моддий зарарни ўндириш, қонунбузарларни жиноий жавобгарликка тортиш

Бир туман янгиликлари ДАРСЛИК УЧУН 550 МИНГ СЎМ

Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» кишлоқ хўжалик кооперативи жамоаси кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун дарслик ва ўқув қуроллари сотиб олишга 550 минг сўм пул ажратди.
Савобли иш ташаббускори ва ташкилотчиси шу хўжалик раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалик ходими Муродулла Саидовдир.

Қамчиқ довони қурилиши жадал олиб борилмоқда



Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Тадбиркор манфаати ҳимояда

танлов асосида текширилганда, бунда ҳам қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳали кўп иш қилиниши лозимлиги кўзга ташланиб қолди.
Жиззах туман судининг яқинда бўлиб ўтган ҳал қилувчи қарорига кўра, айбдорлардан корхона фойдасига 400 минг сўм ва давлат бюджетига 2 миллион 800 минг сўм ўндириш белгиланди. Шунингдек, мақзур суд ажрими билан қонунбузарларга нисбатан УЭР ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.
Шунингдек, Жиззах, Галлаорол туманлари солиқ инспекцияларида тадбиркорлик субъектларига солиқ қонунчилигида белгиланган имтиёزلарга амал қилиш ахрли ўрганиб чиқилганда қонунни билмаслик, уни хас-пўшлаш каби жиддий нуқсонлар борлиги аниқланди.
Чунинчи, Жиззах туманида 773 та кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектлари Давлат солиқ инспекциясидан қонуний рўйхатдан ўтган, шундан 542 та фаолият кўрсатмоқда. Деҳқон-фермер хўжалиқларининг содлик қонунчилигида белгиланган имтиёزلардан қай даражада фойдаланаётганлиги

рени билишмасиди? Билишарди, лекин улар «билса ҳазил, билмаса чин» қабилда иш қўрганликларини пайқаш қийин эмас. Оқибатда тадбиркорлар манфаатига жиддий зийн етказилди.
Ана шу ҳолат юзасидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида вилоят Давлат солиқ бошқармасига тақдимнома киритилди. Ҳўш, кейин нима бўлди, дерсиз? Солиқ бошқармаси мутасаддилари хато ва камчиликларни тан олган ҳолда жавоб хати йўллаб, «Вилоят солиқ бошқармасининг 2000 йил 17 июлдаги йиғилиш қарориди «Турдикул бобо» фермер хўжалигига 10 минг сўм, бўлимлирига тақдим қилиниши Жиззах, Галлаорол туман ДСИ бошқармасига юклатилди», дейилади. Лекин бунга йўл қўйган мансабдор шахслар тегишли жазо олмади, сувдан қуруқ чиққанлигини қандай изоҳласа бўлади? Бу далиллар яна тақдорланмаслигига ким қаролат бера олади?
Кези келганда шунини ҳам айтиш кераки, вилоят солиқ бошқармасида қонуний сўровларимизга жавоб бермаслик ҳолатлари ҳам кузатилади.
Масалан, Адлия вазирлигидан бошқармага келган сўров хатида хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган жами текширишлар сони, шундан қонунсиз текшириш-

Кооператив ҲОМИЙЛИК ҚИЛДИ

Истиқлолнинг тўққиз йиллик байрами арафасида Миришкор кишлоғида қурилаётган мактаб биносида бунёдкорлик ишлари поёнига етди.
— 624 ўринга мўлжалланган илмгоҳни «Сувқурилиш» трестига қарашли механизациялашган 33-кўча колонна бунёдкорлари барпо этишди, — дейди Йўлдош Қурбонов номли мазкур мактаб директори Хонали Файзиев. — Барча қулайликларга эга бўлган замонавий бино қурилишига «Миришкор» кишлоқ хўжалик кооперативи ҳомийлик қилди.
Ҳа, Миришкор кишлоғининг Банги маҳалласида истиқомат қилаётган меҳнаткашларнинг фарзандлари ўқув йилини янги бинада қўтиб оладиган бўлишди.
Ҳамид ПИРИМҚУЛОВ, Қашқадарё вилояти.

ЕР СОЛИҒИ НОТЎҒРИ УНДИРИЛГАН...

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига кўра деҳқон-фермер хўжалиқлари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида ер солиғи тўлашдан озод қилиниши лозим бўлса-да, солиқчилар «Меҳри она» фермер хўжалигидан 900 сўм, «Турдикул бобо» фермер хўжалигидан 8000 сўм, жами 10 минг сўм ер солиғини ноқонуний ўндиришган. Шунингдек, улар томонидан «Мусурмон ота» фермер хўжалигига нисбатан ҳам ноқонуний иш тутилган.
Галлаорол туман ДСИда тадбиркорлар амалий ёрдам кўрсатиш ўрнига улар ишга ноқонуний аралашувлар бўлганлигини қандай

